O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NORIN TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2022 - yil 29 - sentabr 559-6-83-Q/22 Norin tuman hokimligi

Қабристонларда қабр қазиш ҳамда маросим хизматлари бўйича гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган “Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари”нинг 42-банди, 2011 йил 4 апрелдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган “Дафн этиш жойларини сақлаш, улардан фойдаланиш ва қабр усти ёдгорликларини ўрнатиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 8, 14-бандларига асосан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Норин туман ободонлаштириш бошқармасининг 2022 йил 1 июндаги 106-сонли хати маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Норин туманидаги қабристонларда қабр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти учун аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдори қуйидагича белгилансин:

12 ёшгача бўлган бир нафар бола учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи;

12 ёшдан катта бўлган бир нафар шахс учун базавий ҳисоблаш

миқдорининг 30 фоизи.

3. Норин туманидаги қабристонларда қабрларни рақамлаш учун рақамланган бетон устунчалар ўрнатиш хизмати базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи (ҳар бир қабр учун алоҳида) белгилансин.

4. Барча ишлаб турган қабристонларда дафн этиш учун жой (участка) бепул ажратилади.

5. Туман ободонлаштириш бошқармаси:

қабристонларда қабр қазиш бўйича гўрковлар таъминоти ҳамда маросим хизматлари бўйича маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматлар тарифи миқдорига қатъий риоя этилишини;

ушбу маблағлар тегишли равишда гўрковлар ва маросим хизматларини бажарувчи ходимлар таъминоти учун ишлатилишини;

мазкур пулли хизматлар тарифи миқдорини аҳолига етказилишини ва тўғри тушунтирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор “Норин овози” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Норин туман ҳокимлигининг Ахборот хизматлари мазкур қарорни оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилиш ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсин.

9. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Норин туман ҳокимининг 2019 йил 7 декабрдаги 2190-сонли ҳамда 2022 йил 7 сентябрдаги 412-6-83-Q/22-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

10. Мазкур қарордан норози шахслар судга ёки юқори турувчи органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Ж.Ғайбуллаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Нурматов**

Norin tuman hokimining
2022 yil 29 sentabrdagi
559-6-83-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Норин туман Ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги қабристонларда бир дона қабр ковлаш ва бетон устунча ўрнатиш учун тузилган

К А Л Ь К У Л Я Ц И Я

№	Хизмат тури	Хизмат ҳаққи фоизда
1	12 ёшдан катталар учун 1 та қабр ковлаш	Базавий хисоблаш миқдорининг 30%
2	12 ёшдан кичиклар учун 1 та қабр ковлаш	Базавий хисоблаш миқдорининг 15%
3	1 та қабрга рақамланган бетон устунча ўрнатиш	Базавий хисоблаш миқдорининг 10%

Базавий хисоблаш миқдори 2022 йил 1 июн ойидан 300 000 сўм

№	Хизмат тури	Хизмат хаққи сўмда
1	12 ёшдан катталар учун 1 та қабр ковлаш	90 000 сўм
2	12 ёшдан кичиклар учун 1 та қабр ковлаш	45 000 сўм
3	1 та қабрга рақамланган бетон устунча ўрнатиш	30 000 сўм